

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 2.02

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “25” 08

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА АКТ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000 – Педагогика; 120000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллер бўйича); 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Бабомурадов О.Ж. - Ахборот технологиялари кафедраси мудир.
- Алиев М.Ч. - Ахборот технологиялари кафедраси доценти
- Сабиржанов Р.А. - Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

- Нишанов А.Х. - ТАТУ, “Информатика асослари” кафедраси мудир, техника фанлари доктори
- Исмаилов Ш.Н. - Ахборот технологиялари кафедраси доценти, физ.-мат.ф.н.;

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги ПҚ-1971-сонли «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига чет тилларини ўргатишнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари билим ва кўникмаларига эга юқори малакали чет тиллари бўйича етук кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган.

“Чет тилини ўрганишда АКТ” фани ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан чет тилини ўрганишда фойдаланиш асосларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда турли компьютер қурилмалари билан ишлаш, соҳага оид ахборотни қайта ишлаш усул ва воситалари, зарурий дастурий таъминотлар, турли кўринишдаги ҳужжатлар, графика, аудио ва видео материалларни тайёрлаш ва ишлов бериш, Интернет тармоғи ва ундан фойдаланиш кўникмалари, мультимедиа тизимлари учун дастурий воситалар, чет тилларини ўргатишда мультимедиани кўллаш, чет тилини ўрганишда турли компьютерли усул ва воситалардан фойдаланиш каби билим ва кўникма ҳосил қилишга йўналтирилган материаллар акс этирилган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Чет тилини ўрганишда АКТ” фани ўқув режанинг “Математик ва табиий-илмий” фанлар” блокада бўлиб, 1- ва 2- семестрларда ўқитилади. Мазкур дастурда келтирилган мавзулар самарали ўзлаштирилиши учун талабаларнинг бошқа фанлардан ҳам муайян билимларга эга бўлишлари жумладан, “Ўқиш ва ёзиш амалиёти”, “Тил аспекти амалиёти”, “Мустақил таълим кўникмалари” ва “Тил кўникмалари интеграцияси”, “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” фанларидан етарли билим ва малакаларни эгаллаганликлари муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари республикамизнинг барча соҳасига кириб борган ва соҳалар фаолиятида муҳим ўрин тутди. Барча соҳа вакиллари иш фаолиятлари самарадорлигини белгиловчи омиллардан бири бу – ахборот технологиялари усул ва воситалари ҳисобланади. Шу боисдан ҳам “Чет тилини ўрганишда АКТ” фани тил ўрганиш соҳасида фаолият олиб боровчилар учун ахборот технологияларининг турли воситаларидан кенг фойдаланишда муҳим роль ўйнайди.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Талаба “Чет тилини ўрганишда АКТ” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, турли кўринишдаги амалий вазифалар ва топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, Adobe Photoshop, Flash, Adobe Illustrator, Prezi, Smart Builder, Writing House, Izzui, MOS Solo, Zenler, Lesson Writer ва шу каби) ҳамда бир қатор интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА АКТ		
Курснинг қисқача номи:	ЧТАКТ	Код: ЧТАКТ	
Кафедра:	Ахборот технологиялари		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Бабомуродов О.Ж.	E-mail: bobomurodov@edu.uz	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	1 ва 2-семестр, 38 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	230	
	шунингдек:		
	маъруза	52	
	семинар		
	амалий	80	
	мустақил таълим	98	
Ўқув курсининг статуси	Математик ва тибий-илмий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Информатика ва АТ”, “Тил кўникмалари интеграцияси”, фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
Фаннинг предмети ва мазмуни: – талабаларга замонавий ахборот- технологиялари асослари билан таништириш, эришилган ютуқлар ва ахборот технологияларининг имкониятлари моҳиятини тушунтириш ва уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган..			
Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга замонавий ахборот- технологиялари асослари билан таништириш, эришилган ютуқлар ва ахборот технологияларининг имкониятлари моҳиятини тушунтириш ва уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.			

Фанни вазифаси - талабаларни назарий билимлар, тил ўрганиш самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асослари, тил ўрганиш учун Смарт-ўқитиш муҳити, электрон хужжатлар яратиш ва ишлов бериш воситалари, фаолият доирасида тақдимот яратиш воситалари билан ишлаш, график ахборотларга ишлов беришнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш, ўқув анимацион лавҳаларни тайёрлашнинг замонавий воситалари, ўқув аудио ва видео материалларини яратиш ва ишлов бериш воситалари, таълимда WEB-технологиялар усул ва воситаларидан фойдаланиш, On-Line ўқув курсларни ишлаб чиқишнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш, ўқитишни бошқариш тизимлари билан ишлаш, тил компетенциясини ривожлантиришда АКТни ўрни ва моҳияти, ўзлаштиришни назорат қилишда АКТни қўллаш усул ва воситалари, CEFR талаблари бўйича матн қийинлик даражасини аниқлаш, е-портфолио яратиш, Тинглаб тушинишга қаратилган ресурслар (аудио ва видео матерриаллар) билан ишлаш, турли дастурлар асосида талаффуз устида ишлаш, Очқ таълим манбалари, масофавий, виртуал, юзма-юз ва масофавий таълим интеграцияси, тилга оид маълумотларин Интернет тармоғидан излаш техникалари, Онлайн ва офлайн тил ўрганиш манбалари, Онлайн чет тилидаги муҳокамаларни ташкил этиш, мобил ва планшет дастурлар орқали тил ўрганиш бўйича назарий-амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

“Чет тилини ўрганишда АКТ” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

Тил ўрганиш самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш усул ва воситалари;

Тил ўрганиш учун Смарт-ўқитиш турлари ва воситалари;

Электрон хужжатлар яратиш ва ишлов бериш воситалари таснифи;

Фаолият доирасида тақдимот яратиш воситалари билан ишлаш;

График ахборотларга ишлов беришнинг замонавий воситаларидан фойдаланишни билиш;

Ўқув анимацион лавҳаларни тайёрлашнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш;

Ўқув аудио ва видео материалларини яратиш ва ишлов бериш воситалари билан ишлашни билиши ва улардан фойдалана олиши;

Таълимда WEB-технологиялар усул ва воситаларидан фойдаланишни билиш;

On-Line ўқув курсларни ишлаб чиқишнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш;

Ўқитишни бошқариш тизимлари билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш;

Тил компетенциясини ривожлантиришда АКТни қўллаш;

Ўзлаштиришни назорат қилишда АКТни қўллашни билиши ва улардан фойдалана олиши;

CEFR талаблари бўйича матн қийинлик даражасини аниқлаш;

е-портфолио яратиш;

Тинглаб тушинишга қаратилган ресурслар (аудио ва видео матерриаллар) билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

Турли дастурлар асосида талаффуз устида ишлаш;

Очқ таълим манбалари, масофавий, виртуал, юзма-юз ва масофавий таълим интеграциясини таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;

Тилга оид маълумотларин Интернет тармоғидан излаш техникалари билан ишлаш;

Онлайн ва офлайн тил ўрганиш манбаларини ўрганиш;

Онлайн чет тилидаги муҳокамаларни ташкил этиш;

Мобил ва планшет дастурлар орқали тил ўрганиш малакаларига эга бўлиши керак.

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий	Мустақил
-----	-------	---------	--------	----------

			(семинар)	Иш
1-семестр				
1	Курснинг мақсад ва вазифалари	2		2
2	Тил ўрганиш самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш	2	4	4
3	Тил ўрганиш соҳасида турли типли хужжатлар тайёрлаш воситалари	4	6	8
4	Тақдирот яратишнинг замонавий воситалари	2	6	6
	Жорий назорат (ЖН)			
5	График ахборотларга ишлов беришнинг замонавий воситалари	4	6	6
6	Ўқув анимацион лавҳа (ролик) ларни тайёрлашнинг замонавий воситалари	2	6	6
7	Ўқув аудио ва видео материалларини яратиш ва ишлов бериш	2	6	6
	Оралик назорат (ОН)			
8	Замонавий веб-технологиялар таснифи	2	2	6
9	Интернет тармоғи хизматлари	4	8	2
10	Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг усул ва воситалари	4	4	8
	Жорий назорат (ЖН)			
	1-семестр бўйича жами	28	48	54
11	Электрон ўқув курсларини яратиш воситалари	2	4	2
12	LMS мақсад ва тузилмаси	2	2	2
13	LMS MOODLEда фойдаланиш учун ўқув контентларини тайёрлаш ва нашр этиш	2	6	4
		6	12	8
	Жорий назорат (ЖН)			
14	Тил компетенциясини ривожлантиришда АКТни ўрни ва моҳияти	2		2
15	Тил ўргатувчи компьютер дастурлари		2	2
16	Ўзлаштиришни назорат қилишда АКТнинг ўрни	2		2
17	Турли электрон дидактик материалларни яратиш технологияси	2		2
	Оралик назорат (ОН)			
18	CEFR талаблари бўйича матн	2		2

	қийинчилик даражасини аниқлаш			
19	Э-портфолиолар	2		4
20	Tinglab tushinishga qaratilgan resurslar(audio va video materriallar) bilan ishlash	2	2	4
21	Turli dasturlar asosida talaffuz ustida ishlash (Forvo, Rhinospike, Vocfroof, Lang8 etc va h.k)	2	2	4
22	Ta'limga asoslangan video programmalar,ta'limga asoslangan saytlar(ziyonet,BBC,s languages, onestopenglish, learnenglish)	2	2	2
23	Ochiq ta'lim manbalari, masofaviy, virtual, yuzma-yuz va masofaviy ta'lim integrasiyasi	2	2	2
24	Tilga oid ma'lumotlarin Internet tarmog'idan izlash texnikalari		2	2
25	Onlayn va oflayn til o'rganish manbalari (elektron kitoblar, elektron manbalar, My-labs)		2	2
	Жорий назорат (ЖН)			
26	Onlayn tarjima (Google tarjima) va of layn tarjima dasturi (m-n Dragon) Onlayn lug'atlar (bab.la, Wordreference, Macmillan) va o'rganuvchi vositalar(ankiweb, Memrise)		2	2
27	Onlayn chet tilidagi muhokamalar (Video koferensiyalar, til o'rganuvchilarning forumlari,bloglar, wiki, factbook, twiter, ijtimoiy tarmoqlar		2	2
28	Mobil va planshet dasturlar orqali til o'rganish		2	2
	Якуний назорат (ЯН)			
2-семестр бўйича жами		24	32	44
Умумий		52	80	98
Таълим бериш ва ўқитиш услуби:		Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)		
Мустақил ишлар:		Ўқув лойиҳалар, гуруҳли такдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, эссе ва х.з.		
Маслаҳатлар ва топширик-ларни топшириш вақти		Кунлар	Вақти	Ауд.
1.				
2.				

3.			
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:			
ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилди			
Баҳолаш усуллари	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.		
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари		
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.		
	Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони		
	Балл	Талабанинг билим даражаси	
86 - 100 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, дастурий материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қилаолади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллай олади; – талаба ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материални моҳиятини тушунади; – талаба тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўллариини излайди, дастурий материалларни билади ва айтиб бера олади ҳамда тасаввурга эга бўлади. 		
71 - 85 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба ўрганилаётган ҳодисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қилаолади; – билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга оширади, билимларни амалиётда қўллай олади; – талаба машғулотларга тайёрланган, дастурий материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга эга. 		
55 - 70 балл	– талабанинг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва		

		<p>кўрсатмалар асосида топшириқларни бажара олади, моҳиятини тушунади;</p> <p>– талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўқув материални тушунтириб бера олади ва тасаввурга эга.</p>
	0 - 54 балл	<p>– талаба тасаввурга эга эмас;</p> <p>– талаба дастурий материалларни билмайди.</p>
Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:		
Глоссарийлар:		
Ахборот ресурс база:		

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

1-модул. Курснинг мақсад ва вазифалари

Курснинг мақсади ва вазифалари. Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий тенденциялари, илғор технологиялари тавсифи ва соҳада қўллаш аспекти, ривожланиш тенденцияси. Ахборот-коммуникация технологияларига дунё ахборот ҳамжамияти ривожланиш талаблари доирасида қўйилаётган вазифалар ва устувор йўналишлар.

2-модул. Тил ўрганиш самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш

Замонавий ахборот технологиялари, жумладан, соҳа мутахассисларини замонавий ахборот технологиялари техник воситалари, операцион тизимлари, мобил қурилмалар ҳамда улар билан ишлаш усул ва воситалари, турли тизимли ва бошқа кўринишдаги иловалар тасниф ва тавсифи, фойдаланиш тартиби.

3-модул. Тил ўрганиш соҳасида турли типли ҳужжатлар тайёрлаш воситалари

Электрон ҳужжатларни яратиш муҳитлари. Тил ўрганишда турли типдаги ҳужжатларни тайёрлашнинг замонавий воситалари. Стационар, мобил иловалар, онлайн воситалар ёрдамида электрон ҳужжатларни яратиш, ишлов бериш ва улардан фойдаланиш технологиялари. Схемалар тузиш, Smart-фигураларидан фойдаланиш. Электрон жадвали ҳужжатларни шакллантиришда стационар ҳамда мобил иловалар муҳитида ишлаш. Электрон форматдаги ўқув материалларни ярата олиш.

4-модул. Такдимот яратишнинг замонавий воситалари

Такдимот моҳияти ва турлари. Такдимот яратишнинг замонавий воситалари ва уларнинг имкониятлари. Интерфаол мультимедиа такдимоти. Ўқув такдимотида қўйилган талаблар. Интерфаол мультимедиа такдимоти триггерлардан фойдаланиш. Интерфаол мультимедиа такдимотларини тайёрлаш. Онлайн режимида такдимотлар тайёрлаш воситалари. Prezi дастури имкониятлари. Prezi.com да рўйхатдан ўтиш. Prezi дастурида янгитақдимот яратиш. Такдимотга объектларни жойлаштириш. Тайёр такдимотни намойиш қилиш.

5-модул. График ахборотларга ишлов беришнинг замонавий воситалари

Компьютер графикаси тушунчаси. Компьютер графикаси турлари. Тасвири ахборотлар билан ишлаш технологияси. График объектларни

яратиш ва қайта ишлаш воситалари. Электрон ресурсларни яратишда график объектларга ишлов бериш воситалари. Adobe Photoshop дастурида ишлаш. Adobe Photoshop дастурида тасвирларга ишлов бериш ва ўзгартириш киритиш. Онлайн режимда тасвирларга ишлов бериш воситалари билан ишлаш. График объектларга мобил иловалар ёрдамида ишлов бериш. Инфографика тушунчаси. Тил ўрганишда инфографика қўллашнинг аҳамияти. Тил ўрганишда инфографика воситаларидан фойдаланиш.

6-модул. Ўқув анимацион лавҳа (ролик) ларни тайёрлашнинг замонавий воситалари

Икки ўлчамли компьютер анимацияси тушунчаси. Flash технологияси. Дастурнинг асосий иш соҳалари ва тушунчалари. Macromedia Flash дастурининг ускуналар панели соҳаси. Macromedia Flash дастурида анимацион ролик яратиш. Анимацион лавҳани Web-саҳифага жойлаштириш. Анимацион лавҳаларни Онлайн режимда яратиш ва ишлов бериш воситалари ва манбаалари.

7-модул. Ўқув аудио ва видео материалларини яратиш ва ишлов бериш

Овоз ёзувчи ва уларга ишлов берувчи дастурлар (Sound Forge). Товуш файл форматларини зичлаштириш. Рақамли видео. Windows OT муҳитида ишловчи видео файлларга ишлов берувчи дастурлар ва улардан фойдаланиш. Видеомонтаж. Android va iOS операцион тизимида овозли ва видео файлларни яратиш. Конвертация. Видеопотокни зичлаштириш ёки кадрлар бўйича зичлаштириш. Симметрик ва асимметрик зичлаштириш. Сценарий асосда мутахассислик бўйича муаллифлик роликлар яратиш.

8-модул. Замонавий веб-технологиялар таснифи

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Web-1, WEB 2.0 ва WEB 3.0 технологиялари, веб-сервислар, AJAX, веб-синдикация (RSS ва Atom технологиялари асосида), веб mash-up (истеъмолчи мэшаплар, маълумотлар мэшапи, бизнес-мэшаплар), теглар, фолксномия, Popfly Space, Microsoft Silverlight.

9-модул. Интернет тармоғи хизматлари

Интернет тармоғи, интернет хизматлари, провайдр, электрон почта, чат, видео мулоқот, домен номлари, skype, форум, портал, веб-сайт, ziyonet, google apps (Google асбоб ускуналари ва хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Веб муҳитида Google apps (Google Диск, Google Хужжатлар (матн, электрон жадвал, тақдимотлар, график муҳарирлари), Google тақвим (календар), Google Hangouts (мессенжер) Google+, Google Blogger (сайтлар яратиш) ва Google

Scholar орқали ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва бошқариш), қидирув тизимлари, интернет каталоглар, ихтисослашган қидирув тизимлари, ахборот майдон. таълим портали, интертер, сайт, гипермуурожаат, интернет ресурслари, виртуал мулоқот, реклама сайт, информაციон сайт, таълимий сайт, zionet ахборот таълим портали, педагоглар ҳамкорлиги, масофавий таълим платформаси, ягона интерактив хизмат ойнаси, очиқ маълумотлар портали.

10-модул. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг усул ва воситалари

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Аутентификация. Авторизация. Логин ва паролни ҳимоя қилиш. Ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари. Компьютер вируси. Вирусларнинг турлари ва вазифалари. Вирусларга қарши курашиш усуллари. Ахборот хуружлари ва ундан сақланиш қоидалари. Вужудга келадиган хавф ва таҳдидлар.

11-модул. Электрон ўқув курсларини яратиш воситалари

iSpring дастури ва унинг имкониятлари. iSpring Free дастури. SCORM ва TinCan тизимлари ҳақида тушунча. iSpring Suite асбоб усқуналари орқали электрон дарслик ва видеомануаллар яратиш. QuizMaker орқали электрон назорат тестлари, сўровномалар яратиш. iSpring DialogTrainer – тармоқланган диалогли электрон курсларни ва онлайн-перезентацияларни яратиш. Электрон on-line курсларини LMS, iSpring-сервер ёки виртуал сервер ёрдамида мобил алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

12-модул. LMS мақсад ва тузилмаси

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактикасослари. Масофавий таълим моделлари. Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари.

13-модул. LMS MOODLEда фойдаланиш учун ўқув контентларини тайёрлаш ва нашр этиш

Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. Оммавий онлайн очиқкурслар. MOODLE тизимининг яратилиши. Виртуал таълимни бошқарувчи тизимларнинг функциялари ва MOODLE тизимининг асосий хусусиятлари. MOODLE платформасининг масофавий таълимни бошқаришимкониятлари ва функциялари. MOODLE тизимидаги ўқитиш модуллари. SCORM ёки AISS стандарт пакетлари. MOODLE тизими масофавий ўқув курсига қўйиладиган ресурс ва элементлар.

14-модул. Тил компетенциясини ривожлантиришда АКТни ўрни ва моҳияти

АКТга асосланган таълим технологияларини таснифлаш, чет тилини ўрганишда АКТнинг ўрни, моҳияти, афзалликлари ва юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар. CEFR (тилларни ўрганиш бўйича умумевропа талаблари) ва тил компетенциялари: ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш. Чет тилларни ўрганишда ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш. Чет тилларни ўзлаштиришда турли техник воситалардан қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш.

15-модул. Тил ўргатувчи компьютер дастурлари

Чет тилларни ўрнанишда компьютер дастурлари. Таълим жараёнидаги янги таълим шакллари ва усуллари. Дистант таълим моҳияти ва унинг умумий таснифи. Тил ўргатувчи компьютер дастурларга қўйиладиган талаблар, уларнинг турлари ва ишлаш принциплари. Online ва offline тарзида ишловчи тил ўргатишга қаратилган дастурлар. Электрон дарсликлар ва қўшимча электрон манбалар. Тилга оид маълумотларнинг турли хил кўринишда намоён бўлиши ва улардан тўғри фойдаланиш. Тил ўргатувчи компьютер дастурларнинг таҳлили.

16-модул. Ўзлаштиришни назорат қилишда АКТнинг ўрни

Мустақил таълим ва тил ўрганувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш усуллари. Таълимда баҳолаш турлари ва бу жараёнда АКТнинг ўрни. Чет тилини ўзлаштиришни назорат қилишда қўллаш мумкин бўлган online ва offline компьютер дастурлари ҳамда Интернет сайтлари. Электрон портфолиолар.

17-модул. Турли электрон дидактик материалларни яратиш технологияси

Чет тилида аутентик материаллар: ёзма матнлар, аудио ва видео материаллар ҳамда чет тилида яратилган турли хил расмий ва норасмий ҳужжатлар. Турли компьютер дастурлари ва интернет сайтлари ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш. Чет тилини ўрганишда аутентик материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари. Дарс учун материалларни тўғри танлай олиш тамойиллари. Аутентик материалларни дидактиклаштириш босқичлари.

18-модул. CEFR талаблари бўйича матн қийинчилик даражасини аниқлаш

Махсус компьютер дастурлари ва интернет сайтлар орқали матн қийинчилик даражасини аниқлаш. Матн турлари ва улар орқали бериладиган маълумотларнинг тушунарлилик даражалари. Ўрганувчиларни ўқишга қизиқтиришда матнларнинг структурал ва семантик хусусиятлари. CEFR

талаблари бўйича матн қийинчилик даражасини аниқлашда қўлланиладиган компьютер дастурларнинг ишлаш тамойиллари: матнларни фонетик, лексик, грамматик ва синтактик жиҳатдан таҳлил қилиш.

19-модул. Э-портфолиолар

Портфолио тушунчаси. Электрон портфолиоларнинг турлари ва уларнинг таҳлили, таркибий қисмлари. Чет тилларни ўрганишда ва эгалланган билимларни баҳолашда электрон портфолио аҳамияти. Электрон портфолиоларнинг намуналарини интернет тармоғидан излаб топиш, яратиш ва яратилган электрон портфолиоларни тегишли интернет манбаларида сақлаш.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи хамдир.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Замонавий ахборот технологиялари таснифи ва улардан самарали фойдаланиш.
- Замонавий операцион тизимлар ва улардан фойдаланиш.
- Замонавий мобил воситалари ва улардан фойдаланиш.
- Смарт-электрон ўқув қўлланмалардан ўқитишга қўллаш.
- Ўқитишда онлайн Смарт-технологиялардан фойдаланиш.
- Матнли ҳужжатлар билан ишлаш муҳити.
- Электрон жадвалли ҳужжатларни шакллантириш муҳити (стационар ва мобил иловаларда).
- Интерфаол тақдимот яратиш воситаларидан фойдаланиш.
- Онлайн режимда тақдимотлар яратиш воситаларидан фойдаланиш.
- Ўқув материаллари учун график объектларни яратиш.
- Ўқув материалларидаги график объектларга ишлов бериш.

- Тил ўқитишда инфографика воситаларидан фойдаланиш.
- Анимацион лавҳалар кадрларини яратиш усул ва воситалари.
- Ўқув материалларини тайёрлашда анимацион лавҳа эффектлари ва ҳаракатларини тайёрлаш воситалари.
- Онлайн анимацион лавҳалар тайёрлаш муҳитлари билан ишлаш
- Аудио ва видео материалларни ёзиш ва ишлов бериш.
- Видеомонтаж ва эффектлар билан ишлаш.
- Замонавий веб-технологиялар таснифи.
- Интернет тармоғи хизматлари (Google ва бошқа хизматлар).
- Тил ўрганиш учун Интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланиш.
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш усул ва воситалари.
- Веб-ҳужжатларни яратишнинг онлайн ва оффлайн воситалари билан ишлаш.
- Тил ўрганишда ўқув-услубий контентини яратиш усуллари.
- LMS мақсад ва тузилмаси.
- LMS MOODLEда фойдаланиш учун ўқув контентларини тайёрлаш ва нашр этиш.
- LMS MOODLEда мулоқот ва маълумот алмашинуви.
- Тил ўргатувчи компьютер дастурлари.
- Ўзлаштиришни назорат қилишда АКТнинг ўрни.
- Турли электрон дидактик материалларни яратиш технологияси.
- CEFR талаблари бўйича матн қийинчилик даражасини аниқлаш.
- Э-портфолиолар.
- Тинглаб тушинишга қаратилган ресурслар(аудио ва видео материаллар) билан ишлаш.
- Турли дастурлар асосида талаффуз устида ишлаш (Forvo, Rhinospike, Vocfloo, Lang8 etc ва ҳ.к).
- Таълимга асосланган видео программалар,таълимга асосланган сайтлар(zionet,BBC,s languages, onestopenglish, learnenglish).
- Очиқ таълим манбалари, масофавий, виртуал, юзма-юз ва масофавий таълим интеграцияси.
- Тилга оид маълумотларин Интернет тармоғидан излаш техникалари.
- Онлайн ва офлайн тил ўрганиш манбалари (электрон китоблар, электрон манбалар, My-labs).
- Онлайн таржима (Google таржима) ва офлайн таржима дастури (m-n Dragon) Онлайн луғатлар (bab.la,Wordreference, Macmillan) ва ўрганувчи воситалар(ankiweb, Memrise).
- Онлайн чет тилидаги муҳокамалар (Видео коференциялар, тил ўрганувчиларнинг форумлари,блоглар, wiki, factbook, twiter, ижтимоий тармоқлар.
- Мобил ва планшет дастурлар орқали тил ўрганиш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Чет ўқитишда АКТ” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) мавжуд лаборатория ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб боровчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни

Ўзлаштириш даражасини **текшириш** ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуги ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни маҳаллий ва глобал ахборот ресурслари ҳамда ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- фаолият давомида ахборот ва коммуникация воситаларидан эркин фойдаланиш;
- соҳага оид Интернет-ресурсларидан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларни тизимли таҳлиллаш ва аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Компьютер, ноутбук, нетбук ва планшетлар билан ишлаш бўйича презентация яратиш.
2. Адабиётлардан фойдаланиб мавзунини тўлдириш. Таянч иборалар билан ишлаш.
3. Смарт-ўқитиш муҳити элементлари билан ишлаш.
4. Стационар ва мобил операцион тизим турлари.
5. График объектлар билан ишловчи дастурлар.
6. ОТларнинг қўшимчаиловалари.
7. Ҳужжатлар билан ишлашнинг турли дастурий муҳитлари.
8. Ҳужжат яратишда график объектлар билан ишлаш.
9. Электрон ҳужжат яратиш усул ва воситалари.
10. Формула ва функциялар билан ишлаш.

11. График объектлар билан ишлашнинг мобил иловалари.
12. Тақдимотлар яратиш усул ва воситалари.
13. Анимацион лавҳалар яратиш.
14. Овоз ва видео лавҳаларга ишлов бериш.
15. Турли глобал ахборот ресурслари билан ишлаш.
16. Тилга оид ресурслар билан ишлаш.
17. Электрон портфолиолар.
18. Электрон ва Онлайн ўқув ресурсларини яратиш усул ва воситалари.
19. Тил ўрганишга боғлиқ турли муҳитли дастурий иловалар билан ишлаш.
20. CEFR талаблари асосида матннинг қийинлик даражасини аниқлаш.
21. Тинглаб тушинишга қаратилган ресурслар билан ишлаш.
22. Турли дастурлар асосида талаффуз устида ишлаш.
23. Таълимга асосланган видео программалар, таълимга асосланган сайтларда маълумотлар билан ишлаш.
24. Очик таълим манбалари, масофавий, виртуал, юзма-юз ва масофавий таълим элементларини қўллаш.
25. Тилга оид маълумотларин Интернет тармоғидан излаш усулларини ўрганиш.
26. Онлайн ва офлайн тил ўрганиш манбалари билан ишлаш.
27. Онлайн таржима ва офлайн таржима дастуридан фойдаланиш.
28. Онлайн чет тилидаги муҳокамаларда қатнашиш.
29. Мобил ва планшет дастурлар орқали тил ўрганиш воситалари билан ишлаш.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- Ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг тил ўрганиш соҳасига татбиқига оид маъруза дарсларида модуль тизимига асосланган электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаолият доирасида кенг фойдаланиш учун турли амалий иш топшириқларидан;
- стационар ва мобил воситаларидан тил ўрганиш соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш амалиёти масалаларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. David Watson and Helen Williams Computer Science//IGCSE is the registered trademark of Cambridge International Examinations. Буюк Британия/Hodder Education. An Hachette UK Company London NW1 3BH 2014, 278p.
2. Stelle Cottrell, Neil Morris Study Skills Connected. Буюк Британия/Palgrave Macmillan 2013, 183p.

3. Hartoyo.(2012). ICT in Language Learning.Semarang: PelitaInsani Printing and Publishing
4. Esteras, S.R., & Fabre, E.M.(2007) Professional English in Use for Computers and the Internet. Cambridge: Cambridge University Press.
5. Kerres Michael. Mediendidaktik. 4., überarbeitete und aktualisierte Auflage. Oldenbourg Verlag. München. 2013.
6. Gerardo Arrarte Carriquiry. Las tecnologías de la informacion en la enseñanza de español. Arcolibros. España 2011
7. Petko Dominik. Einführung in die Mediendidaktik. Beltz Verlag. Weinheim und Basel. 2014.
8. R.R.Bokiyev, A.O. Matchanov, Informatika, “O’qituvchi”, Toshkent, 2010, 374 bet.
9. Усмонов А.И., Бахрамов Ф.Д. Компьютер технологиялари асослари. Т., 2010

Қўшимча адабиётлар

1. Mrs. C.Y. Munasinghe, B.Sc. (OUSL); M.Sc. (Colombo) ICT SKILLS, 2013, Open University of Sri Lanka, p.-393
2. Yu.Yu.Gromov, I.V.Didrix, O.G.Ivanova, M.A.Ivanovskiy, v. G.Odnolko Informasionnyye texnologii, Izdatelstvo FGBOU VPO «TGTU», Tambov, 2015, 260 str.
3. Chris Abbott ICT: Changing Education, London and New York, Routledge Falmer, 2001, 45p.
4. Олифер В.Г. Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы. Учебник для вузов. Питер, 2015 г. ISBN 978-5-496-01967-5. 992стр.
5. Симонович С.В. Информатика. Базовый курс. Учебник для ВУЗов. Питер, 2013 г. ISBN 978-5-496-00217-2, 978-5-459-00439-7. 637стр.
6. Губанов Д.А., Новиков Д.А., Чхартишвили А.Г. Социальные сети. Модели информационного влияния, управления и противоборства. 2010 год. 228 стр.
7. Максимов, Н. В. Современные информационные технологии: учеб. Пособие/Н.В. Максимов, Т.Л.Партыко, И.И.Попов. — М: ФОРУМ, 2008. - 512с:ил.
8. Говард, Д.Создай свою фотоисторию. Делимся воспоминаниями с помощью PhotoshopElements и цифровой камеры=Будущее воспоминаний. Как поделится моментами своей жизни с помощью PhotoshopElements и цифровой камеры / Дэйн Говард. - М.: НТ Пресс, 2008. - 208 с.
9. Цифровое будущее. Каталог навыков медиа- и информационной грамотности /авт.: А. Ю. Домбровская и др.; пер. с англ. О.В.Терешкина; ЮНЕСКО. — Москва: Межрегиональный центр библиотечного сотрудничества, 2013. — Оригин. текст подгот. Фондом «Современная Польша».

Интернет сайтлар

1. <http://books.nap.edu/books/0309074398/html/index.html>.
2. <http://coe.etsu.edu/department/cuai/starlinks/assess.htm>.
3. <http://www.newideas.net/index.html>.
4. <http://www.lexically.net/downloads/version6/HTML/?wshell.htm>
5. <http://khc.sourceforge.net/en/>
6. <http://fonsg3.hum.uva.nl/praat/>
7. <http://www.exmaralda.org/>
8. <http://www.tes.co.uk/english-secondary-teaching-resources/>
9. <http://web2.uvcs.uvic.ca/courses/elc/studyzone/>
10. <http://ww2.college-em.qc.ca/prof/epritchard/>
11. <http://www.ello.org/english/>
12. <http://www.englishclub.com/>
13. <http://www.esl-lab.com/>
14. <http://www.academicenglishcafe.com/>
15. <http://owl.english.purdue.edu/owl/>
16. <http://www.yourdictionary.com/>
17. <http://bogglesworldesl.com/>
18. <http://www.englishformyjob.com/index.html>
19. <http://legacy.lclark.edu/~krauss/toppicks/toppicks.html>
20. <http://www.esl-galaxy.com/vocabularysheets.html>
21. www.breakingnewsenglish.com
22. <http://larryferlazzo.edublogs.org/the-best-sites-to-practice-speaking-english/>
23. <http://skillsforlearning.leedsmet.ac.uk/glossary/a.shtml>
24. <http://www.dpi.state.nc.us/curriculum/computerskills/scos/20glossary>
25. <http://www.palgrave.com/skills4study/>
26. <https://www.coursera.org/course/ticyeducacion>
27. <http://www.uv.es/bellochc/pedagogia/EVA1.wiki?all>
28. http://www.fundacionsanTiliana.com/upload/ficheros/paginas/200906/xxii_semana_monografica.pdf
29. <https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=10&cad=rja&uact=8&ved=0ahUKEwjBiZ-GucLNAhWFFCwKHdQSCpUQFghKMAk&url=http%3A%2F%2Fwww.oei.es%2Ftic%2FTICCD.pdf&usq=AFQjCNF7HLMReeffGA2ZCnbVDMXplcWp2A>
30. http://mx.televisioneducativa.gob.mx/courses/CONAPASE/CONAPASE_TIC_2016/2016-S1/about